

# Oilavajamiat

34 (1032)-сон  
24 август 2011 йил

# Жамият

Web-site: oilavajamiat.uz



Кашта тиккан қизнинг бахти **3**

Умр деганлари меҳнат, машаққат




**4**

Хато қилмайдиган одамлар



**6**



Олманинг зарари бор...ми?! **7**

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



Шавкат СУЛТОНОВ сурат-лавҳаси.

— Билим олишда, ҳунар эгаллашда ҳикмат кўп, — дейди Қарши туманидаги Бешкент шаҳри “Наврўз” маҳалласида яшайётган 85 ёшли Муҳаммади бобо Қурбонов. — Болалигимиз ўта оғир йилларга тўғри келган, олий ўқув юртида ўқиш тугул, қорин тўйдириш ҳам қийин даврлар эди. Ўзимга армон бўлиб қолгани учун фарзандларимнинг ҳаммасини олий маълумотли қилдим. Мана бугун ёшларнинг таълим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган даврда яшаймиз. Бундай катта имкониятлардан оқилона фойдаланиб қолинглар, дейман невараларимга.



## Мустақил тараққиёт йўлимиз

Бугун биз юртимиз эндигина истиқлолга эришган мураккаб, таҳликали палла — 1991 йилдан 20 йил берида туриб, халқимиз босиб ўтган йўл ҳақида бемалол мушоҳада юртишимиз мумкин. Мустақил тараққиётимиз давомида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритдик, миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрнимизга эга бўлдик. Бир сўз билан айтганда, бу вақт мобайнида мамлакатимиз том маънодаги озод ва суверен давлатга айланди.




## 2011 — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Наргиза ЖАЛИЛОВА,  
Тошкент вилояти Бўка туманидаги  
“Ойдин” гўзаллик салони раҳбари:

— Баъзан зиёрат, гоҳи сайру саёҳат, хизмат юзасидан мамлакатимизнинг турли бурчакларига бориб келаман. Бозорларимиздаги тўкинчилик, шаҳар-қишлоқларимиздаги ободончилик, равон йўллару ажойиб кўприкларни кўриб, ҳайратга тушмай иложи йўқ одамнинг. Бундай оламшумул ўзгаришлар, улкан бунёдкорликлар ўз ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Буларнинг бари буюк ва муқаддас мустақиллигимиз шарофати туфайлидир.

Энг қувончлиси, муҳтарам Юртбошимиз Исом Каримов энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — истиқлолимизнинг 20 йиллиги нишонланаётган 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” дея эълон қилгани мен каби ишбилармонликни энди бошлаётган хотин-қизлар учун ҳар томонлама кенг имкониятлар яратиб берди.



### Ушбу сонда:

Энг хавфсиз авиакомпания .....	2
Бировнинг никоҳида туриб...	
бошқадан фарзанд кўрган аёл .....	3
«Ксерокс» сўзининг маъноси.....	4
Муқобили йўқ тизим.....	5
Ейиш учун яшаш эмас, яшаш учун ейиш керак! .....	5
Инсоф сари барака .....	6
Ғалати таомномалар кимларга тегишли? .....	7
Она бўлган билар фарзанд қадрини!.....	8
Гаровдаги мулк кимга насиб этади? .....	8
Меньков Лондонга боради .....	8

# Мустақил тараққиёт йўлимиз

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон 1991 йили давлат мустақиллигини эълон қилган, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, "Ўзбек модели" дея эътироф этилаётган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш, жамият жабҳаларини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистонда давлат қурилиши ва иқтисодийни ислоҳ қилиш дастурининг ўзгаги бўлган 5 та асосий тамойил нақадар тўғри танланганини бугунги кунда жаҳон афкор оммаси очик-ойдин тан олмоқда. Халқро экспортлар тараққиётининг "Ўзбек модели" илмий ва амалий жиҳатдан нақадар пухта ишлаб чиқилгани, фақат ўша даврдаги авлод тақдирини эмас, балки келажак авлодлар тақдирини ўйланган иш тутилганини эътироф этишаётир.

Биз танлаган йўл қанчалик тўғри экани ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётгани кейинги йилларда

иқтисодий тараққиётнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилди бораётганида яққол кўринмоқда. Юртимизда 1996 йилдан иқтисодий ўсиш таъминланиб, унинг суръати 2001–2003 йилларда ўртача 4% дан, 2004–2006 йилларда 7% дан, 2007 йилдан буён эса ўртача 8–9% дан юқори бўлиб келмоқда. Ялли ички маҳсулот таркибида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй бераётди. Қарийб 20 йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида ялли ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари ўсиши эса 3,8 баробарни ташкил этди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон ва унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, балки амалда олий кадрият даражасига кўтарилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Аммо ҳозиргача эришган муваффақиятларимиз узоқ ва мураккаб тараққиёт йўлимизнинг фақат бир қисми, ҳолос. Демак, ютқуқларимизга махлиё

бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш келгуси тараққиётимизнинг самарадорлиги ва истикболига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини унутмаслик зарур. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор". Шу боис ҳам давлат раҳбари илгари сурган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тарихий воқеа сифатида баҳолаш лозим. Орадан йиллар ўтиб, мазкур дастурнинг халқимиз ҳаётига ижобий таъсири ҳақида ҳам аниқ далиллар асосида мушоҳада юритишимиз шубҳасиз.

**Нодир ОРТИҚОВ,**  
Тошкент шаҳри Миробод тумани  
1-сонли давлат нотариал  
идораси катта нотариуси.



## 19 йиллик мунтазам ва хавфсиз парвоз

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон авиаторлари ҳам ўз касб байрамларини нишонлаётдилар. Шу муносабат билан 18 август кунги авиаконференция мажлислар залида "O'zbekiston havo yo'llari"нинг мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқлари мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

1992 йил 28 январда давлатимиз фуқаро авиацияси ягона тизимини сақлаб қолган ҳолда Ўзбекистон миллий авиаконференциясини тузиш ҳақидаги фармонга имзо чеккан Президентимизнинг узоқни кўра билганига бугун муносиб баҳо бериш мумкин. Ҳозирда "O'zbekiston havo yo'llari" барқарор ва тез ривожланаётган, ҳавода ва ерда йўловчилар хавфсизлиги ҳамда юқори сервисни таъминловчи авиаташувчи сифатида жаҳон авиабозоридида ўз ўрнига эга.

"O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиаконференцияси 2011 йилнинг биринчи ярмида 1 млн. 62 минг йўловчига хизмат кўрсатди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 9,2 фоиз кўп демакдир. Узоқ хориж ва МДҲ мамлакатларига қатновлар сони ҳам ортди.

**Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА,**  
"Оила ва жамият" мухбири.

## "Истеъдод" иқтидорларга кўмакдош

Иброҳим Абдурахмонов генетика соҳасида илмий тадқиқот олиб бориб, мамлакатимизга 2 млн. АҚШ доллари миқдоридида чет эл инвестицияси кириб келишига сабабчи бўлди.

Нурмуҳаммад Юсупов эса яқинда Франциянинг нуфузли Тулуза университетидида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб қайтди...

Истиклол фарзандларининг бу каби ютуқларини яна кўплаб келтириш мумкин. Шу ўринда истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш, тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш борасида "Истеъдод" жамғармасининг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш жоиз. Душанба кунги Миллий матбуот марказида ўтказилган галдаги анжуман ана шу жамғарма фаолиятига бағишланди.

2003 йил 1 июлда ташкил этилган "Истеъдод" жамғармаси мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини, илмий изланишлар ва фан-техника тармоқлари ривожланишини жаҳоннинг энг илғор таълим муассасалари ҳамда илмий мактаблари даражасига кўтаришга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунга қадар 1,5 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги хорижий инвестиция шу мақсадга жалб этилган бўлиб, илм-фан ва таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви кўзда тутган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Кўпгина моҳир педагог ва иқтидорли ёшларимиз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Япония каби ривожланган давлатларнинг олий ўқув юрларида ўқиб, илғор билим ва кўникмаларга эга бўлиб қайтишмоқда.

**Одина ҚУЛМУРОВА**

## Миллий либос — ўзимизга мос

**Замонавий мода нима, ўзи? Хатто санаб саногига этиб бўлмайдиган услуб ва кўринишлар яратаятган дизайнерлар фаолияти қониқарлими? Улар бугунги имкониятлардан қай даражада фойдаланишяпти?**

**Холида КОМИЛОВА,**  
"Осиё рамиз" дизайнери ва модельерлар уюшмаси расиси:

— Замонавий мода бу — очик-сочик кийимлар ёки калта юбкаю тор шим кийиб юриш дегани эмас, балки миллийликдан ажралмаган ҳолда бугунги мода билан ҳамнафас дизайн яратишдир. Миллий либосни эса қадимдан ҳар бир халқнинг маданияти ва урф-одатларини ўзида мужассам этиб келаяётган ўзига хош қадрият десам янглишмайман. У ўзида миллатнинг кўп асрлик тарихи, фалсафаси ва менталитетини акс эттириш билан бирга, шу замоннинг табиати, иқлими, ижтимоий тараққиёт

ти билан уйғунлашиб кетган.

Бу борада, муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек либослари ноёб ва бой тарихга эга. Шақлар, ранглар, мато ва аксессуарлар, деталларнинг турли-туманлиги эса ҳозирги аксарият

дизайнлар учун илҳом манбаи бўлиб келмоқда.

Эсимда, бундан уч-тўрт йил аввал ёшлар орасида кийиниш борасида европаликларга кўр-кўрона тақлид кучайган эди. Йигитларнинг йиртиқ жинсида, қизларнинг эса олди жуда катта ўйилган ёки ўта юпка ипак матолардан тикланган либосларни кийиб юрганига кўзимиз тушарди. Кўп ўтмай, республикамизда, айниқса, ёшлар орасида айнан модалар, кийиниш бўйича кўрғазма, фестивал ва бошқа ибратли тадбирлар уюштирилди. Бу эса уларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди, ўзимизнинг асл либосларимиз уйғунлигида янгича, шарқона услублар яратилди ва бу кўпчиликка манзур бўлди.

Бир пайтлар қизларимиз ҳақиқий ўзбекона атлас кўйлақларни кўчага кийиб чиқишга истиҳола қиларди. Ғўёки замондан, модадан

## ҚАДРИЯТЛАР

орқада қолгандек муносабат бор эди-да. Мана, бугун атрофга боқинг, хотин-қизларимиз бундай асл матолардан шунақа чиройли дизайнли либосларни кийишяптики, кўзлари қувнайди кишининг. Миллий либосларимиз гўзал ва нафислигидан ташқари, инсоннинг ҳам ташқи, ҳам ички қиёфасига, шунингдек, сиҳат-саломатлигига ҳам ниҳоятда фойдали жиҳатлари кўп. Буни нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам тарғиб этишда Дилфуза Саидмахмудова, Малика Сайфуллаева, Фотима ва Зухра Мухамедова, Диёна Юнусова, Ирода Аъзамхўжаева, Малика Мусаева, Фурқат Абдурахмонов, Наргиза Шерхўжаева сингари юзлаб истеъдодли дизайнерларимиз ғайрат қилишяпти.

**"Оила ва жамият" мухбири Барно МИРЗААХМЕДОВА**  
ёзиб олди.



## 2011— КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

# "Ойдин" да орзулар ушалади

Бундан кўп эмас, ўн йилгина аввал Бўкага келган одам ўша маҳаллари кўрган манзараларини бугун эсласа, кўзларига ишонмайди. Тўғри, туман маркази узоқдан қараганда унчалик кенгаймагандек туюлади. Лекин яқинроқ келсангиз, ҳашаматли бинолар, тўрт тарафи гулу гулзорга айланган янги, замонавий иншоотлар бор қиёфаси билан намоён бўлади. Улар орасида ўз номига муносиб "Ойдин" гўзаллик саломи ҳам борки, бугунги ҳикоямиз ана шу мўъжазгина масканда кечаятган қизгин жараёнлар хусусида.

— Бир кунги турмуш ўртоғим билан пойтахтга, дўстларимиз зиёфатига отландик, — дея эслайди сўхбатдошимиз Наргиза Жалилова. — Аёл кишини биласиз, тўй-туйиқни-ку қўяверинг, кўчага чиқсам пардоз-андоз қилмасам, кўнгли жойига тушмайди. Хуллас, ўзимга қарагин деб туман марказидаги салонларга кириб чиқдим. Бир-икитаси ёпиқ бўлса, бошқалари тирбанд экан. Кайфиятим тушиб турувди, хўжайин "Юравер-чи, йўл-йўлақай кириб чиқарсан", деб қолди ва Тошкентдаги салонлардан бирига кирди. Ишонасизми, ярим десам ёлғон-у, бир соат ичида ойнага қараб, ўзимни танмай қолдим. Тоҳир ака эса ҳазил ара-

лаш "Энди ҳар ҳафта пойтахтга келсан бўларкан-да, онаси", деб қулади.

Бўкадаги арзимас оворагарчилик таъсир қилдими, билмадим, ўша кун менда ҳам, умр йўлдошимда ҳам хайрли бир



ишни бошлаш нияти туғилди. Очиги, аввал-бошда 18 йил фақат фарзандлар тарбияси билан машғул бўлганим боисми, мустақил бир ишининг бошини тутишга чўчидим. Кейин иш ўрганиб, тажриба орттиргач, "Ойдин" гўзаллик саломини очдик...

Бугун бу қошонадан каттаю кичикнинг қадами узилмади. Бир бўлимда миллий ва замонавий услубларда тайёрланган

оқшом ва тўй либосларидан тортиб, болажонларнинг байрамони ва хатто эртақлардагидек безатилган кийим-кечаклари бўлса, бошқасида турли пардоз-андоз, маданий-машиий хизматга оид минг бир турдаги арзон ва сифатли маҳсулотлар жой олган. Салоннинг энг асосий, яъни миқозлар гавжум бўладиган 15 дан ортиқ бўйича стилистлар Шаҳноза Сулаймонова, косметолог Орзихон Махмудова ва бошқаларнинг беминнат хизмати кўпчиликка манзур бўлаётди. Асосийси, бу ерда ҳам устоз-шоғирд аънанаси кенг йўлга қўйилган ва ўндан ортиқ ёшлар ўзлари севган хунарларни эгаллашга интилишмоқда.

— Биласизми, қачон инсон ўз меҳнатидан кўнгли тўлади? Қачонки, ўз қўли билан бошлаган савобли ишларидан эллуслу баҳраманд бўлиб, чин дилдан раҳмат айтсагина, — дейди Наргиза Жалилова. — Менинг ниятим, "Ойдин"да юртдошларимнинг орзулари ушалсин, тўй-томшалари кўп бўлсин, келин-куёвлар кўша қаришсин!

Бундай ёруғ ниятлар барчамизга йўлдош бўлсин.

**Нигора УРОЛОВА**

Самарқанд вилоятининг кўпгина худудларида азалий урф-одатимизга кўра, бугунги кунда ҳам сепага ўз қўлларин билан кашта тиккан қизларнинг, албатта, бахтли, эплли бека бўлишига ишонч ниҳоятда кучли. Шунинг учун ҳам қизларнинг кичиклигиданоқ кашта, сўзана, ёстиқчиллар тикишни ўрганишига жиддий эътибор қаратилади. Хоҳ ўқитувчи бўлсин, хоҳ ҳамшира, албатта, кашта тикиши билади.

— Туманимизда кашта тикишни билмайдиган қизлар деярли йўқ, десаам ишонаверинг, — дейди кўшработлик тadbиркор аёл Ҳожарой Жонтаева. — Бугун ўзлари ўрганган хунарлари орқали касаначилик асосида ишлаб, яхшигина даромад кўраётган хотин-қизлар ҳам талайгина. Хунармандчиликнинг барча турларига алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда каштачилик ҳам янгиланган билан бойиб, ўзгариб, гўзаллашиб бораётпти. Илгарилари момоларимиз паранжи-ю, жалақларини кашта билан безаган бўлсалар, бугунга келиб замонавий услубда тикилган кийим-кечаклар, сумкаларга ҳам каштачилик орқали зеб берилмоқда.

Самарқандча услубда тикилган кашталарга назар ташларкансиз, уларнинг нафислиги, табиат билан уйғунлигига шубҳа қилмайсиз. Уларни томоша қилиб, аёл пайдо бўлганидан бошлаб қўлга игна ушлаган, гўзаллик яратишга интилан бўлса керак, деган хаёлга боришингиз табиий.

Ростдан ҳам, кашта тикиш касби амалий санъатнинг қадимий соҳаларидан бири саналади. Археологик топилмалар каштанинг деярли барча халқларда қадрланганини, иқлим, табиий шароит, муҳит билан боғлиқ ҳолда ҳар бир халқнинг маданияти, санъати, касб-хунар турлари билан бирга ривож топганини кўрсатади. Каштанинг пайдо бўлиши теъдидан қилинган кийимларда боғлам ва чокларнинг юзага келиши билан боғлиқ.

Ўрта Осиёда каштачилик махсулотларининг қадимий хиллари деярли сақланмаган. Музейлардаги палак, сўзана, чой-

шаб, кирпеч, зардевор сингари бадий буюмлар ва каштали кийимлар фақат XIX асрга мансуб. XIV—XV асрларга оид китоблардаги миниатюралар каштачиликнинг бу ерда қадимдан кенг ривожланганини кўрсатади. Жумладан, Амир Темур саройида яшаган испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо ўз эсдаликларида саройда

## Кашта тиккан қизнинг бахти бутун бўлади



кашта безакларини томоша қилганини ёзган. Камолиддин Бехзод «Зафарнома» кўлемасига ишлаган «Темур тахтада» миниатюрасида каштали чодир ҳам акс эттирилган.

— Кашталардаги ҳар бир нақшда ўзига хос маъно бор, — дейди ургутлик каштадўз, «Шухрат» медали соҳиби Кубарро Тўхтаева. — Масалан, айлана шакли ер сайёрасини, қушлар тинчлик рамзини, гуллар билан нақшлар табиатнинг ўзаро боғлиқлигини англатади. Бугунги кунда турли буюмларга ҳам кашта безаклари берилаяпти. Шунингдек, кашта учун қўлланиладиган ипларни табиий бўёқлар

ёрдамида бўяяпмиз. Бундай ипда тикилган кашталарга чет элликлар жуда қизиқишади.

Ранг-баранг кашталарни кузатаркансиз, шакл ва нақшлар гўё мутахассислар томонидан чизилгандай тасаввур уйғота-

### ҚўЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН...

Ха, каштанинг кўркам бўлишида нақшлар қай даражада мукамал чизилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бугун қатор худудларда асрлар давомида шакланган Нурота, Бухоро, Самарқанд каштачилик махсулотлари кўпроқ йўрма чок билан, Қашқадарё томонларда кандахаёл, ироқи, босма чок билан тикилади. Ҳозирги кунда бўғжома, дорпеч, ойна-халта каби ашёларни фақат музейларда учратиш мумкин. Дўппи, сумка, нимча, кавуш, кирпеч, сўзана каби буюмлар эса замонавий дид билан безатилмоқда, шакл ва бадий безакларида ўзгаришлар рўй берди.

Яна бир эътиборли жиҳати, ҳозир ёш қизлар ҳам каштачиликка бефарқ эмас. Масалан, самарқандлик Умида ҳам болалигиданоқ бувисидан каштачиликнинг сир-асрорларини ўрганди. Энди ўзи турли буюмларга чиройли каштали безаклар тикиш билан бирга, атрофидаги дугоналарига ҳам кашта тикишни ўргатаёпти.

— Мактабда ўқиб юрган кезларим Сартепа ўқувчилар иҳодиёт марказига қатнаб, устозим Нарғиза Толиббоевадан расм чизишни ўрганганим, — дейди Самарқанд таянч тиббиёт коллежи 2-босқич ўқувчиси Умида Асадова. — Шу орқали тикаётган кашта безакларини ўзим чиза бошладим. Ҳозир эса турли либосларни тиккан, уларни безашда каштадан фойдаланишга ҳаракат қилаёпман. Бу ҳам чиройли, ҳам замонавий кўринишга эга. Ҳали ниятларим катта: маҳалламизда ўшада тўғарақ ташкил қилиб, қизларга кашта тикиш сирларини ўргатмоқчиман. Ахир, қиз болага бу хунар ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди-да.

Юртимизда Умидага ўхшаб миллий хунармандчиликка, асосан каштадўзликка чин дилдан меҳр қўйган қизлар кўпаяётганидан суюнасан киши.

Гулрух МҶМИНОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири,  
Самарқанд вилояти.

## БИРОВНИНГ НИКОҲИДА ТУРИБ... бошқадан фарзанд кўрган аёл муаммоси

Яқинда идорамизга ёшгина бир аёл келиб, фарзандига туғилганлик тўғрисида гувоҳнома беришимизни сўради. Унинг қўлида фуқаролик паспорти ва турғуҳондан берилган маълумотнома бор эди, холос. Табиийки, никоҳ гувоҳномаси ва турмуш ўртоғининг паспорти ҳам зарурлигини айтдик. Шунда турмушда учрайдиган чалқашликлардан яна бирига дуч келинди.

Гап шундаки, бу аёл иккинчи оиласидан фарзанд кўрган. Аммо паспортдаги маълумот биринчи эри билан тузилган қонуний никоҳи бекор қилинмаганини кўрсатади. Бундай ҳолларда Оила кодексининг 207-моддаси ҳамда ФХДЭ бўлимларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома талаблари асосида иш кўрилади. Онанинг ёлғиз оналиқни ёки бошқа шахсга оталиқни белгилаш ҳақидаги талаби фақат қонуний никоҳда турган турмуш ўртоғининг нотариал тасдиқланган розилиги олингандагина қондирилиши мумкин. Амалиётдан кўраямизки, собиқ хотинининг кейинги турмушдан кўрган фарзанди учун бош қотирадиган эркаклар жуда ҳам учрайди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: ҳўш, бу аёл қонуний ажрашмай туриб, қандай қилиб иккинчи марта турмушга чиққан? Албатта, шаръий никоҳ асосида-да!

Ёлғиз она аризаси асосида ва оталиқни белгилаш орқали туғилишни қайд этиш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар ФХДЭ бўлимлари олдидан турган оғрикли муаммолардир. Масалан, Оила кодексининг 15-моддасига мувофиқ, никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёл-



лар учун 17 ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин. Кодекснинг 16-моддасига асосан эса, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузиш мумкин эмас. Аммо амалдаги қонуналаримиздан орзу-ҳавасларини устун қўювчи айрим ота-оналар ҳали никоҳ ёшига етмаган ўғил-қизларнинг бошини қоғуштириш пайига тушадилар. Ёки янада яқин бўлиш мақсадида «Кўйнингдан тўкилса — кўнжингга» қабилида иш тутиб, яқин қариндошлари билан қуда бўлишади. Албатта, бу тоифа ота-оналар кўпинча шаръий никоҳ асосида тўй қилишади. Сўнг набирали бўлганларида оталиқни белгилашни сўраб ёки яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг сал-

бий оқибатларидан азият чекканларидagina ФХДЭ бўлимига мурожаат қилишади. Буларнинг барчасига никоҳ ўқиётган имом-домланинг амалдаги қонуналаримиз ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси чиқарган фатвога иттиқлиги сабаб бўлмоқда.

Бинобарин, биз қонуний никоҳнинг афзалликлари, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳни

яқинчи оқибатлари хусусида туманимизнинг Амиробод, Ултарма, Пахтаобод кишлоқ фуқаролар йиғинлари ва Қўштегирмон маҳалласи сингари худудларида кенг қўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бораёпмиз. Бўлимимизда ҳар ойда икки мартаба никоҳланувчилар ўртасида ўтказилаётган «Оила дорилфунуни» ва туманимиздаги 7 та касб-хунар коллежиде ташкил этилаётган «Ёш оила қурувчилар мактаби» машғулотларида ҳам бу хусусда батафсил тушунча бераёпмиз. Ўтган 2010 йилда «Оила дорилфунуни» 24 мартаба, «Ёш оила қурувчилар мактаби» машғулотлари 36 мартаба ўтказилиб, иштирокчилар сони жами 4995 нафарни ташкил қилди. Бундан ташқари, 2010 ва 2011 йилнинг олти ойи мобайнида туман хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида 116 та шаръий никоҳ асосида қурилган оилаларнинг қонуний никоҳи қайд этилди.

Нигорахон СУЛТОНОВА,  
Боғдод тумани ФХДЭ бўлими мудири.

Мамлакат тараққиёти шу юрт фуқаролари ҳуқуқий онгининг юксалишига ҳам бевосита дахлдор. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий шериклик асосида ишлайётгани қўл келмоқда.

Жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини ҳокимликлар, адлия, прокуратура, суд, ички ишлар, соғлиқни сақлаш тизими билан ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари яқин ҳамкорликда олиб бормоқда. Ижтимоий шериклик асосига

## Ижтимоий шериклик самараси

қурилган ҳамкорлик ўз самарасини бермай қолмайди, албатта. Шу ўринда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам жихатдан кенг қамровли бўлса-да, таҳсинга сазовор етмаслигини афсус билан таъкидлаган бўлардик. Мавжуд кемтикликни тўлдириш учун эса давлат ва жамоат ташкилотлари бир-бирига янада яқинлашини истардик.

Бош қомусимизда хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари аниқ ва равшан белгилаб берилган. Оила кодексиде аёлларнинг оилавий ҳуқуқлари, Фуқаролик кодексиде фуқаролик ҳуқуқлари, Меҳнат кодексида эса хотин-қизлар меҳнатига оид ишмиқозлар батафсил ёритилган. Бугунги кунда опа-сингилларимизнинг кўпчилиги мана шу муҳим, ҳаётий қиодаларни билмаслиги афсусланарли ҳол. Шу боис олдимизда турган яна бир вазифа миллий қонунийлик мазмун-моҳиятини ҳуқуқшунос сифатида ҳар бир фуқарога етказишдир. Аҳолининг, жумладан, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида мактаб, лицей ва коллежларда, маҳалла, корхона ва ташкилотларда қўшувлар, учрашувлар ташкил этияпмиз. Токи ҳуқуқий, маърифий таълим-тарбия ҳар бир хондонга кириб борсин. Токи ҳар бир навқирон юрдошимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини англайдиган, ижтимоий фаол фуқаро бўлиб шакллانسин.

Зулфия МУСОҚОВА,  
Зангиота тумани 12-сонли ДНИ нотариуси.  
Зулфия КАРИМОВА,  
Бекобод шаҳар давлат нотариуси.

## ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

...Нодир ширакайфликда билмай босган биргина қадами жабрини тортиди. Заҳм хасталигини юқтириб олгани боис, рафикасининг соғлиги ва ҳали тугилмаган боласи ҳаёти хавф остида қолди. Уларни даволаш Комилжон ака учун осон кечмади. Шифокор ҳар сафар беғуноҳ аёлнинг жовдираган кўзларига қараркан, албатта давосини топанман, деб ўзига-ўзи сўз берарди. Эҳ-е, қанча елиб-югуришлар, уйқусиз тунлар, изланишлар... Бари ортда қолди. Бола соғлом тугилди. Ота-онасининг соғлиги яхшиланди. Бир оила сақлаб қолинди. Қанийди, ҳамма вақт ҳам шундай бўлса, касалга даво топа олса. Гоҳида айримлар жуда кеч, хасталик зўрайиб кетгандан кейин мурожаат қилади. Барча саъй-ҳаракатлари шамолга соврилади, беморнинг чўкиб бораётган кўзларидаги ноумидлик шифокор кўнглига бир оғриқ солади.

## УМР ДЕГАНЛАРИ... МЕҲНАТ, МАШАҚҚАТ

— дейди Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббий маркази бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Комилжон Йўлдошев

Ҳа, шифокорликнинг масъулияти оғир. Ўз касбининг фидойиси Комилжон Йўлдошев эса "Мўъжиза юз бериб, қайта дунёга келсам, яна шифокор бўлардим", дейди жиддий оҳангда. Ахир, у бу касбга болаликдан меҳр қўйган эди-да. Тошкент шаҳридаги 213-ўрта мактабнинг 1-синфига борганида муаллимаси ўқувчиларнинг бирини синф сардори, яна бирини тозалик назорат-



чиси этиб тайинлаб, "Чақноқ кўзларинг меҳрга тўла экан, сен санитар бўласан. Онанг шунга ўхшатиб тикиб берсин", деб унинг қўлига боғичи узун, устига қизил матодан қўшув белгиси тикилган оқ халтачани берди. Болакай дарс тугагач, уйларига қараб қушдай учиб кетди. Эртаси куни онаси Ойимхон хола тикиб берган халтачага муаллими бинт, кичкина шишада кўкдори, йод ва яна доривор ўтлар солиб, боши билан елкаси оша чап ёнига осиб қўйди. "Дарё ҳам ирмоқдан бошланади, катта бўлсанг, қўли енгил шифокор бўлгин", деди устози унинг кифтига қоқиб. Шу-шу, Комилжон синфдошларининг енгил яра-чақаси борми ёки даратхдан йўқлиги, шилинган қўлими — даволаниб кетгунча жони ҳалак бўлиб юрарди. Синфдошлари, маҳалла болалари уни ўз исми қолиб, "санитар" деб қақириварди. Болакай эса Рокия муаллим айтган деб, халтачани бир зум ҳам ёнидан қўймади. Уйнаб юрганда неча мартабала халтачаси боғичини узиб, шишаларни синдириб кўярди. Онаси "Дўхтир боламдан айланай", деб, халтачани ювиб, қайта тикиб, зарур нарсаларини солиб берарди. Рокия Зокирхўжаева эса шифокорликка оид кичкина кўлланмалар топиб келиб беради, Комилжонга ўқиб тушунмаган жойларини тушунтириб беради. Отаси Абдукарим ака ўглининг орзусини

эшитиб, ич-ичидан қувонар ва "Эл қорига ярайдиган йигит бўлсин-да!" дерди.

Ўзи, унга исм қўйиш ҳам қизик бўлган. 1951 йил 22 август куни маҳаллага Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов келган, ўшанда машҳур ҳофиз уч кунлик чақалоқни қўлига олиб, "Эл хизматиға бел боғлаган инсон бўлсин. Отаси Абдукарим оғам ният қилгандай исми Комилжон бўлсин", деганди.

Эл суйган санъаткорнинг назари тушган Комилжон кам бўлмади. 1968 йили мактабни тугатиб, Тошкент давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Муаллимнинг китоб ўқишга, отасининг меҳнатга ўргатгани қўл келди. Аёло баҳоларга ўқиш билан бирга, тунлари шифохонада навбатчиликда турар, касбининг сир-асрорларини ўрганишдан тинмасди. 1974 йили ўқишни муваффақиятли تامомлаб, ўзи интернатура ўтаган ва ҳозирда хизмат қилаётган институтда илмий ходим бўлиб иш бошлади. Ўша пайтдаги директор Мардонхўжа Обидовга Комилжоннинг илмига ташналиги, изланувчанлиги маъқул тушиб, ишга таклиф этганди. Биринчи маоши қўлга теккан кун Рокия муаллимига маҳси-кавуш совға қилди. Устози кеч сузда эски маҳси-кавушидан кув ўтиб, оёғи ивиса ҳам, тиббиётга оид китоблар олиб ўқиши учун уни марказий

кутубхонага бошлаб борганди-да! Ўшанда Комилжон шу ниятни дилига тугиб қўйганди. Халигача раҳматли муаллимининг совгани қўлига олган пайтдаги ҳолати, қувончи кўз ўнгидан кетмайди. Ҳа, шу жонсарак устозининг ишончи, меҳри оддий ўртаҳол оила фарзандининг орзуларига қанот бўлганди.

Комилжонга омад кулиб боқди. У танловда ғолиб бўлиб, 1978 йили 1-Москва тиббиёт институтининг "Тери ва таносил касалликлари" кафедрасига аспирантурага қабул қилинди. Кафедра мудир Роберт Бабаёв унга ишонч билдириб, илмий ишига раҳбарлик қилди. 1981 йили "Заҳм касалликларида орқа мия суоқлигининг ҳолати" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган Комилжон Тошкентга қайтиб, яна ўз ишини давом эттирди. У билими, меҳри билан беморларни даволашдан асло чарчамасди. Истеъдодли, ўз соҳасини чуқур эгаллашга интилаётган Комилжон Йўлдошевни илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига муносиб кўришди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан институтда 3 нафар фан доктори ва 30 дан ортиқ фан номзоди етишиб чиқди. Долзарб мавзулар бўйича илмий-амалий таҳлиллар, ўқув қўлланмалар chop этилди. Ўзи ҳам илмий ишини давом эттирди.

Тажрибали шифокор, ташки-

лотчи Комилжон Йўлдошев директор лавозимида хизмат қилган даврда, 1992–1995 йиллари институт жаҳон андозаларига мос тиббиёт ускуналари билан таъминланди, замонавий даволаш услублари амалиётга татбиқ этилди. 1996 йили "Заҳм касаллигига чалинганларнинг соғлиқ кўрсаткичлари" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Комилжон Йўлдошев 500 дан ортиқ илмий иш, ўндан зиёд монография, 30 дан ортиқ услубий қўлланма, 11 та ихтиро, хуллас, "Оила психологияси" китобини, илмий ва амалий фаолиятдан ортиб, 7 нафар ёш олимга устозлик қилди. Венерология соҳаси муаммолари мавзуси бўйича етук олим нафақат Ўзбекистонда, балки Туркия, Австрия, Германия, Франция, Бельгия, Швеция, Швейцария каби кўпгина хорижий давлатларда ҳам маърузалар ўқиган.

— Илмий ишларимга мавзу бўлган бу хасталикнинг номиек одамни сескантириши табиий, — дейди Комилжон Йўлдошев. — Кейинги ўттиз йил ичида ёшлар ўртасида бундай дардга чалинганлар кўп учрапти. Заҳмининг келин-куёвлар мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган бешта касалликлар қаторига киритилгани ҳам бежиз эмас. Бугунги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг статистик маълумотларига кўра, тери-таносил касалликларининг 27 тури мавжуд. Техника ривожланган асрда яшаймиш. Ҳали оқкорани танимаган фарзандларимизнинг интернетда ноҳўя фильмларни кўришига йўл қўймайлик. 16 ёшга тўлмаганлар соат 21:00 дан сўнг кириши тақиқланган интернет кафедаларни пул илмийдаги қонунбузарлар бошқариши асло кечириб бўлмас ҳолдир. Шифокорлар билан бирга ота-оналар, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари ҳам бундай хасталикларнинг аянчли оқибатлари тўғрисида ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориши зарур. Қайта-қайта айтаман, соғлом турмуш тарзига амал қилинг. Азалдан тозаликни, одоб-ахлоқни қадрлайдиган оилапарвар халқимиз-ку!

Раҳматли отам "Пешонанг ярқираган сен боланинг, палаги тоза Гулзирадай кенг феъъл, сабри рафиқанг бор. Илм йўлини танлаган инсоннинг умр йўлдошига осон бўлмайди-да", дегувчи эди. Мен ҳам Гулзирадан умрим борича миннатдорман, дейман. Мана, худога шукр, фарзандларимиз камолни кўраёмиз. Қизим Назира — тиббиёт фанлари номзоди, ўғилларим Расулжон — ҳуқуқшунос, Қобилжон — дерматолог, Қажомжон — ички ишлар ходими, Каримжон — магистрант. Иккита адаш исми тўрт келиним бор. Икки Дилоромнинг бири гинеколог, бири уй бекаси. Икки Лобарнинг бири ҳамшира, бири уй бекаси. Ўн тўрт неваранинг суюмли бобосиман.

Бандаларим ғайрат-шижоатли, ҳаракатчан бўлсин деб, Яратган толе ипининг бир учини ҳар кишининг қўлига тутқазиб қўяркан, дейишади. Ипининг ўзидаги учини маҳкам ушлаган Комилжон Йўлдошевнинг ҳаёти, фаолияти шифокорлар учун ҳам, бошқа инсонлар учун ҳам ибрат бўлгулик.

Тамара ХУММАМАНОВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.



**СУЮНЧИ** — бу сўзнинг илдизи "севинч" сўзидир. Суюнчи — бирор қувончли воқеа тўғрисида хушхабар келтирган одамга бериладиган мукофот, совға, севинчи.

**Зулфлари сунбулинг келди, Гўрўгли, бергин суюнчи.**  
"Гулнорпар" достонидан

**ПОЧАПУСТИН** — почадан қилинган пўстин, яъни тулки ва бошқа ҳайвонларнинг оёғи мўйнасидан тикилган сирма пўстин "почапўстин" сўзи билан ифодаланлади.

**Уч ой ёз демасангиз, эғнидан сариқ почапўстинини ечмайди.**

Саъдулла Сиеёвнинг  
"Аваз" асаридан

**ПИНГВИН** — Антарктида ва Жанубий ярим шарнинг ўрта минтақаларида тарқалган, қанотлари курақоёққа айланган қўш турини билдирган "Пингвин" сўзи лотинча бўлиб, "ёғли, семиз" деган маънони билдиради.

**ЁРКИН** — тилимизда "очик", "нурли", "равшан" деган маъноларни англатадиган сўз аслида, нурланишни ифодалаган "йарқ" сўзидан келиб чиққан. "Йарқ этди", "ярқираб" деган сўзлар ҳам шундан ясалган.

**Қуёш чиқиб, анҳор ёқасидаги толларни олтинлатган, тоза, ёркин ҳаво кўзларни қамаштиради.**

Ойбек

**МУШОҲАДА** — тилимизда фаол кўлланадиган "мушоҳада" сўзининг туб илдизи "ўз кўзи билан кўрди" деган маънони англатади. Демак, "мушоҳада" ўз кўзи билан кўриб, кузатиб, шу асосда фикр қилиш мазмунини ифодалайди.

**Бадий асарни таҳлил қилиш, албатта, олимдан кенг мушоҳадани талаб этади.**

Журналдан

**КСЕРОКС** — кейинги пайтларда тилимизда тез-тез қўлланиб турадиган "ксерокс" сўзи юнонча бўлиб, ҳозирда нусха кўчирувчи ускуна номини билдиради. "Ксерокс" сўзининг туб илдизи "қуруқ, хўл бўлмаган" деган маъно англатган.

Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.

# Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги “ЭЛЛИКҚАЛЪА ДЕҲҚОН БОЗОРИ”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*барча юртдошларимизни, шунингдек, халқимиз дастурхонини тўқин ва обод этиш йўлида фидойилик кўрсатиб ишлаётган ҳамкасбларимизни энг улуғ ва энг азиз*

*байрам —*

*Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги билан муборакбод этади!*



РЕКЛАМА ЎРНИДА

**Байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарам юртдошлар!**



**Гулжон ЎРОЗМЕТОВА,  
жамият раиси:**

— Шундай жаннатмонанд, гўзал ва обод юртда яшаётганимиздан фахрланишимиз керак. 20 йил тарих зарвақларидан катта рақам бўлмаслиги мумкин, лекин авлод-аждодлари бир умр озодликни орзу қилган бизнинг халқимиз учун бу сана ниҳоятда қадрли ва азиздир. Шундай экан, ҳар биримиз буюк истиқлолимизни эъзозлаш, улуглаш билан бирга унинг шарофати тўғрисида рўй берган улкан ўзгаришларни ҳам эътироф этайлик. Эртанги кун эгалари — келажакимиз ворислари шундай юртда туғилганидан, яшаётганидан фахру ифтихор туйсин.

## ШАРЪИЙ НИКОҲ —

ФҲДЁ ФАОЛИЯТИ

### ШАРТЛИ НИКОҲ

Оила остонаси ҳар бир инсон учун ҳаёт кўпригидир. Эндигина дунёга келган гўдак ёки янги келин-куёвнинг илк марта остонадан ҳатлаб ўтишига пояндоз тўшалади. Гоҳида эса ширин орзуларга аччиқ сароб ҳам қўшилиб қолади...

Икки-уч йил аввал қўшни маҳаллага келин тушди. Олам-олам ҳавасларга берилган ота-она кизини шаръий никоҳ билан узатди. Хотин-қизлар кўмитасию маҳалла фаолларининг шунча гапи ҳавога кетди. Эмишки, куёв фарзандининг соғлом дунёга келгани текшириб кўриб, кейин расмий никоҳни қайд эттираркан. Ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Ваҳоланки, қонуний никоҳдан олдин ҳам йигит ва қиз мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтказилади. Бу ҳар икки томоннинг ота-она бўлишга, соғлом турмуш тарзига тайёрлиги кафолат эмасми? Текширувлар нафақат соғлиқни, шунингдек, икки ёш ўртасидаги ишонч риштасини ҳам янада мустаҳкамлайди.

Кўпинча бу тахлит хийла-найранлар билан қонуний никоҳни айланиб ўтувчиларнинг ўзларида қандайдир нуқсон учрайдими: ё олдин расман оила қурган, ҳали ажрашмаган бўлади, ё юқумли, ҳатто давосиз касалликка йўлиққан бўлади, ё... Қолаверса, бола соғлом туғилиши учун онанинг тўйгача бўлган саломатлигидан ташқари кейинги ҳаёти, руҳий ҳолати, ҳомилдорлик даврининг қандай кечиши ҳам ўта муҳим.

Турмушнинг илк кунларида ноқ кучли ҳаяжон, бошқа бир муҳитга кўниколмаслик келин организмга бироз таъсирини кўрсатади. Орадан икки-уч ой ўтиб, ҳомилдорлик белгилари сезила бошлагач, гормонал ўзгаришларни ҳам эътибордан қочирмаслик лозим. Ўзга уйдан умид билан узатилган келин дунёга келтирадиган фарзанд, ахир, куёв наслининг давомийлигини таъминлайди-ку! Буни барча оила аъзолари тўғри тушуниши лозим. Шу боис аҳоли ўртасида

репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш учун бир қатор чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Бизнинг туманда ҳам “Соғлом она — соғлом бола” мақсадли вазифасини амалга татиқ этиш борасида хотин-қизлар кўмитаси, ФҲДЁ бўлими ходимлари ва маҳалла маслаҳатчилари, қолаверса, кўпни кўрган отахону онахонлар кенг жамоатчилик асосида фаолият юритмоқда. Айтиш мумкинки, эрта никоҳнинг олдини олиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, қонуний никоҳнинг афзалликлари, ноқонуний турмуш қуришнинг оқибатлари бўйича олиб борилган тарғибот-ташвиқот ўз самарасини бермоқда. Шукрки, сўнги пайтларда туманимизда эрта туғруқ ёки болалар ўлимидек салбий ҳолатлар қайд этилмапти. Аҳоли орасидаги расмий никоҳсиз туғилган болалар сони ҳам кескин камайди.

**Солиҳа УРМОНОВА,  
Бўка туман ФҲДЁ бўлими  
муdiri вазифасини  
бажарувчи.**

ҲИКМАТЛИ ДУНЁ

### “Яшамоқ учун ейман”

Одамлар Арастудан:

— Сен бошқалардан ниманг билан фарқ қиласан? — деб сўрашибди.

— Улар емоқ учун яшаса, мен яшамоқ учун ейман, — деб жавоб берибди Арасту.

Ўзбекистон давлат консерваторияси томонидан Бўриев Фулом Аралович номига 2007 йилда берилган В№ 318548 рўйхат рақами № 9600 ҳамда 2009 йилда берилган М-043016 рўйхат рақами № 10374 дипломлар йўқолгани сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТЕСТ СИНОВИ:

АНЖУМАН

### МУҚОБИЛИ ЙЎҚ ТИЗИМ

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган навбатдаги анжуман давлат тест синовларини ўтказиш борасида орттирилган тажриба ҳамда эришилган натижалар, кўрсаткич ва хулосаларга бағишланди.

Тест синовлари мустақилликнинг дастлабки йилларида амалиётга татиқ этилиб, ҳозиргача одиллик ва ҳаққонийликни таъминлашда муқобили йўқ тизим сифатида қараб келинаёпти. Бу йил 2 август куни республикамизда 58 та олий таълим муассасаси ва 13 та филиалларга кириш имтиҳонлари ҳам шу асосда ўтказилди. Мамлакат миқёсида 418 905 нафар абитуриент (2010 йил 385 645 нафар эди) ўз тажрибасида тест синовни афзалликларини синаб кўриш имконига эга бўлди (1 ўринга 7,4 нафар (2010 йил 6,7 нафар эди) абитуриент тўғри келди). Улардан 56607 нафари талабалик бахтига эришди, жумладан, 19560 нафари давлат гранти, 37047 нафари эса тўлов-контракт асосида олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинди.

**Мадина САБРИЕВА**

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

кўйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқш, 2 ойи амалиёт.  
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).  
Тиббий массаж — 2 ой, Нуктали — 1 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Пишириқлар олий курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.  
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиши олий курси — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).  
Тўқувчилик — 2-3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой.  
Рус тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой.  
Интернет — 1 ой.

**Барчаси амалиёт билан  
Етоҳона мавжуд.**

**Ўқишни тугатганларга  
ДИПЛОМ берилади.**

Манзил: Юнусобод тумани 3-маъс 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томони орқасида.  
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).  
ФИЛИАЛ  
Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Қўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал Қўйлик кийим бозори рўпарасида.  
Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (қундузи)

Инсон миёси, айтайлик, саксон килограммлик тананинг бор-йўги саксондан бир бўлагини ташкил қилиб, 2 килограмм атрофида бўлса-да, сизу бизни бошқарадиган энг муҳим аъзолардан биридир. Аммо ана шу икки килограммлик ҳамроҳимизга вақтида "ишлов" бериб турмасак, аниқроқ қилиб айтганда, ижодий руҳ багишламасак, жисмиимизда ортиқча эт бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Биз ўз танамизни бадантарбия билан қай даражада чиниктириб борсак, мия фаолиятини ҳам ана шундай ривожлантиришимиз шарт.

Ҳа, одамзот ақли ва тафаккури жамики муаммоларни ечишга қодир. Бизнинг бутун қадр-қимматимиз, куч-қудратимиз билимдонликдадир. Айнан ана шу фикрлар бизни камолотга элтувчи йўл бўлиши лозим.

Биласиз, ҳаётнинг ҳар бир қадамида осон ёки қийин муаммо-жумбоқлар учраб туриши табиий. Уларга кимдир дарҳол ечим топади, яна кимдир оғир машаққат билан. Бошқа биров эса бу муаммоларни ҳал этишга ожизлик қилади. Шу боис ўз-ўзидан ҳаёт билимдонларни саралайди. Демак, кишилар фикрлашига қараб, тоифаларга ажрала бошлайди. Шарқ донишмандлари "Ақли одам бир марта адашса, кейинги сафар бу хатони қайтармасликка ҳаракат қилади", дейдилар. Ақлдилар эса камдан-кам хатога йўл қўядилар!

Бежизга қадимги Рим файласуфи Сенека қуйидаги тартибда инсонларни тўрт тоифага бўлган:

1. Ниманидир билишини ўзи ҳам биладиган одам — доно одам, улардан илм ўрганишни маслаҳат бераман;
2. Ниманидир билишини ўзи

синчиклаб ўрганасак, албатта, охириги тўртинчи тоифадагилар энг хавfli ва кераксизлигини яққол англаймиз. Чунки бундайларда умуман фикрлаш йўқ. Инсон эса айнан фикрлаши билан бошқа жонзотлардан фарқланмоғи керак. Одам ҳеч нарсани билмаслиги мумкин. Аммо

Инсонни фикрлашга, тафаккур этишга ўргатадиган энг муҳим омил эса, шак-шубҳасиз тарбиядир. Аллома Абулбарокот Қодирий ҳам айтади: "Тарбия таъсир қиладиган кишилар уч тоифага бўлинади:

Биринчиси — хануз оқ билан қорани танимаган бола. Унинг

## Хато қилмайдиган одамлар



ҳам билмайдиган одам — уйқудаги одам, уни уйғотиш керак.

3. Ҳеч нимани билмаслигини ўзи ҳам биладиган одам — уйғоқ одам;

4. Ҳеч нарсани билмаслигини билмайдиган одам — тентак одамдир ва ундан қочиб керак.

Агар ана шу тўртала қисмини

иш қиладики, бу хизмати уни ўлгандан кейин ҳам тириклар қаторида олиб юради.

Ақсинча, "Энг ахмоқ одам шундай одамки, нафси қаддақ бошласа, ўша ёққа кетаверади. Ўлганимдан сўнг одамлар мени кечиради, деб ўйлайди" ("Маҳзан ал-улум").

табиати ҳали ёмонлик ғубори билан булганмаган, юраги эса ботил ишлар зулмати билан қораланмаган бўлади. Бундай болага насихат тез таъсир қилади. Уни тўғри йўлга осонлик билан ўргатиш мумкин.

Иккинчиси — оқ билан қорани ажратадиган бўлиб қолган бола. Улардан баъзилари ўз нафсининг галабаси билан яхшилик томонга бурила олмайд юрган бўлади. У қилаётган ишнинг ёмонлигини билади. Нуқсонларини эътироф этади. Бундай одамни тарбиялаш биринчисига нисбатан қийинроқ, аммо унга, ҳар хил насихатлар ва танбехлар бериб борилса, албатта, яхши йўлга кириб кетади.

Учинчиси — оилада ботил ҳаёл ва фосиқ фикрлар билан ўсиб улғайган киши. У умр бўйи ноҳақ ишларни ҳақ деб билиб келган ва шунга астойдил эътиқод қўйган бўлади. Ёмонлик қилса ҳам, уни ўзинча яхшилик деб ўйлайди. Бундай кишини тарбия қилиш жуда оғир. Унинг тарбиясига киришиш — тирноқ

## БИЛАСИЗМИ?

билан қудуқ қазиш ёки ҳали чўққа айланмаган темирни боғлаш билан баробар. Донолар яхши-ёмон хулқи бўлишни оилага боғлайди. Уларнинг айтишларича, бузуқ хотиндан туғилган ва разил ота қўлида тарбияланган фарзанддан яхшилик куттиш қийин. Чиройли хулқ офтобга ўхшайди, офтоб музни эритгани ёки сув тузани эритиб юборгани каби чиройли хулқ ҳам барча ёмонликларни эритиб юбориши ҳақиқатдир».

Юқоридаги гаплар ҳақида биз ҳам соғлом фикр билан мулоҳаза қилиб кўрайлик, оиламизда дунёга келган фарзандимизни эзгулик нуқтаи назаридан тарбиялайлик. Ҳар бир иш замирида, хоҳ жисмоний, хоҳ ақлий бўлсин, машаққатли меҳнат ва сабр-чидам ётади. Ахир, меҳнатнинг таги — роҳат, сабрнинг таги — олтин. Меҳнатсиз ҳаёт эса ўғрилиқдир. Шу боис кўп ҳолларда сабрсизлик ваҳшийликка олиб келади. Ваҳшийлик эса энг катта хатоликдир.

Шу боис улугларимиз фикрлари мағзини чамқок учун илм ўрганмоқ лозим, токи оилавий ҳаётда ҳам ҳар қандай муаммоларнинг ечими меҳнат, сабр-тоқат, чидам ва ахлоқ бўлсин. Ора-мизда хато қилмайдиган одамлар сафи кенгайверсин.

Раҳмонберди КЕНЖАЕВ

## Тарафлардан бири юридик шахс бўлса...

САВОЛ-ЖАВОБ

Оиламиз эҳтиёжи учун енгил машина сотиб олмоқчи эдик. Бир корхонанинг "Нексия" си бизга маълум келди. Аммо эшитишимизча, томонларнинг бири юридик шахс бўлса, олди-сотди битимини тасдиқлаш тартиби бошқачароқ бўлар экан. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз?

К. Тўрамурадov,  
Самарқанд вилояти.

— Автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлашда тарафлар ёки тарафлардан бири юридик шахс бўлса, юридик шахсининг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳақидаги гувоҳнома, мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар: транспорт воситаларини қайд қилиш гувоҳномаси, автотранспорт воситасининг рақамли агрегатлари учун Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари ёки тракторлар, ўзи юрар шассилар, трактор тиркачалари ва ўзиюрар йўл қурилиш машиналари учун "Ўздавтехназорат" томонидан белгиланган шаклдаги маълумотнома ҳамда юридик шахс ваколатли органининг автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги ҳужжати (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳоказо) талаб қилинади.

Шунингдек, вакилнинг ваколатини

тасдиқловчи ҳужжат (ишончнома), қолдиқ, баланс қиймати тўғрисида маълумотнома, тарафлар ўртасидаги баҳолаш далолатномаси, топшириш ва қабул қилиш далолатномаси, мулкдорнинг розилиги, давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат (ҳисоб-китоб кечиктирилган ҳоллар бундан мустасно) ҳам тақдим этилиши керак.

Давлат ташкилотларига тегишли бўлган автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлашда йўриқноманинг 117-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботи ва юқори турувчи ташкилотнинг руҳсати ҳам талаб қилинади.

Саволга Каттакўрғон тумани  
2-сонли давлат нотариус  
идораси нотариуси

Раҳимжон САПАРОВ жавоб берди.

## Тадбиркорларга қамарбастамиз

Жойларда аҳоли билан уюштирилган тадбирлар асосида мустақиллик йилларидаги улкан бунёдкорликлар ҳар бир юртдошимиз тақдирини ўз аксини топаётганига амин бўламиз. Айниқса, ҳар бир йил алоҳида номлиб, муайян соҳага эътибор қаратиб келинаётгани халқимиз хоҳиш-иродасига мос келаётганига ишонч ҳосил қиламиз. Хусусан, 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва ушунинг тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши қонида ишбилармонлик хислатлари жўш ураётган юртдошларимизни янада раҳбарлик юборди.

Шу ўринда ўз бизнесини бошлаган ёки шунга интилаётган ёшларни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсак. Ўрта Чирчиқ туман ҳокимлиги қошидаги тадбиркорлар палатаси, прокуратура, ички ишлар ва банк ходимла-

ри билан ҳамкорликда маҳаллаларда, касб-ҳунар коллежларида тадбирлар ўтказиб келмоқдамиз. Бундай учрашувлар бесамар кетаётгани йўқ. Ёш тадбиркорларимизнинг лойиҳалари банк ходимларига тақдим этилиб, қисқа муддатда микрокредитлар ажратишга эришилмоқда. Йил бошидан буён бир неча кичик корхоналар, паррандачилик фермалари, қандолатчилик цехлари иш бошлади. Бир сўз билан айтганда, халқимиз фаровонлигини таъминлашга интилаётган тадбиркорларимиз ишига адлия тизими ходимлари ҳам қамарбаста.

Жўшқин ЖУМАНИЁЗОВ,  
Тошкент вилоят адлия бошқармаси  
масъул ходими.  
Сайёра АЛИМҚУЛОВА,  
Ўрта Чирчиқ туман  
ФХДЭ бўлими мудири.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

## Ертўлада... яширин цех

Суд Ш.Расулов(исми-шарифи ўзгартирилган)нинг жиноий қилмишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 188-моддаси 2-қисми "б" банди билан баҳолаб, энг кам ойлик иш ҳақининг 170 баробари миқдоридидаги жарима жазосини тайинлади. Хўш, у қандай жиноят қилган эдики, бундай жазога лойиқ кўрилди.

2010 йилнинг май ойи. Ш.Расулов янги иш бошлаш мақсадида "Янгиобод" бозорига борди ва битта макарон ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна, икки дона қуритиш мосламасини харид қилди. Уйга келгач, ҳамир қориш ускунасини ясаб олди. Шундан сўнг ўзи истиқомат қиладиган уйнинг ертўласида яширин цех ташкил қилди. Олиб келган ускуналарни жуда кўп электр токи талаб қилишини кўрган "тадбиркор" дарҳол таниш "электрик"ни чакириб, электр токни яширин йўллар билан олиб кирди. Аввалга бир ўзи, кейин эса бозордан ишчи олиб келиб, яширин цех фаолиятини юрота бошлади.

Ҳисоб-китобга кўра, 1 қоп ундан 53

килограмм макарон ишлаб чиқарган цех эгаси ишчиларга 180 минг сўмдан маош белгилади. Шу тахлит, ҳар кун 17-18 қоп уннинг "шўрини қуритган" Ш.Расулов тайёр маҳсулотни 23 килограммлик полиэтилен қопларга жойлаб, Учтепа туманидаги "Карвон бозори" да бир килосини 650 сўмдан сотиб кела бошлади.

Кўза кунда эмас, кунда синади, деганларидек, Департамент ходимлари ўтказган текширув натижасида "макарончи" Ш.Расуловнинг яширин иши ошкор бўлди. Ертўладаги цех кўздан кечирилганда 80 килограмм тайёр макарон, ишлаб чиқариш ускуналари ва бошқа маҳсулотлар мавжудлиги аниқланиб, далилий ашё тариқасида олиб кўйилди. Санитария-эпидемиология назорати марказининг хулосасига кўра, цехда ишлаб чиқарилган макаронлар савдо ва истеъмол учун яроқсиз деб топилди.

Ҳамидулла ҒУЛОМОВ,  
Бош прокуратура хузуридаги  
СВОЖҚДЛҚК департаменти  
Тошкент шаҳар Учтепа туман  
катта инспектори.

## Инсоф сари барака

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳалол ишлаб, қонуний тарзда савдо қилиб, ўз вақтида солиқларни тўлаган ҳолда яхшигина даромад топаётган тадбиркорлар жуда кўп. Лекин...

"Наврўз" деҳқон бозорининг "Корасу" шоҳобчаси ҳудудидида жойлашган дўконда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллар билан савдо қилаётган Ғўзал Тошева (исм-шарифи шартли) харидор Алиевга 3300 сўмлик маҳсулот сотиб, тегишлича чек ёки унга тенглаштирилган қвитанция беришни унутган. Аниқроғи, унда на қвитанция ва на чек бериш учун назорат касса машинаси бор эди. Бу ҳолат қатор норматив-ҳуқуқий актларга тўғри келмас, уларнинг қилмиши солиқдан қочиб ва назорат қилинмайдиган даромад олишдан бошқа нарса эмасди. Дўкон тегишувдан ўтказилганда, расталардаги маҳсулотлар ҳужжатсиз, сотувчининг ўзи эса рас-

ман дўкон эгалари учун беғоналиги аниқланди.

Дўкон эгасининг кўрсатмасидан маълум бўлдики, сотувчи Тошева 100 минг сўм ойлик маош ёвазига ишлар, дўкондаги моллар эса поитахтимиздаги "Урикзор" бозоридан нақд пулга сотиб олинган экан. Аслида, бошқа бир фирмага қарашли бўлган дўкон эгаси тарзда тузилган шартномага кўра Равшановнинг манфаатлари учун хизмат қилаётгани аниқланди.

Текшириш давомида дўкондаги мавжуд қонуний маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб кўйилди, қонунобузарнинг ўзига нисбатан эса жиноят иши қўзғатилди.

Рустам НАРМЕТОВ,  
Бош прокуратура хузуридаги  
СВОЖҚДЛҚК департаменти  
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек  
туман катта инспектори.

# Олманинг зарари бор...ми?!

ТАБИАТ — ДОРИХОНА

АЖАБ ОЛАМ

Олманинг ҳамма навларида (хатто ҳидида ҳам) кайфиятни чоғ этувчи хусусият бор. Юрак, мия ва жигарни бакуват қилади, юрак ўйноқлиги ва оғир нафас олишда дори бўлади. Ошқозонга қувват бўлиш билан бирга, иштахани ҳам очади.

Ширин олма руҳиятни энгиллаштириб, жисмоний қувват бағшлайди. Агар меъдада сафро хилти бўлса, ўзи ҳам сафрога айланади. Агар олмани пишириб истеъмол қилинса, қуруқ йўталга дармон бўлади.

Нордон олмани хамир орасига ўраб, олов кўрида пишириб ейилса, қон суюлиши ва кетишини тўхтатади, сил ва озгинлик касалига дармон бўлади. Эзиб кўзга қўйиб боғланса, кўз оғриғига фойдаси бор. Лекин хаддан ортиқ ейилса, мураккаб иситмаларга гирифтор этиб, қоринда кўп ел пайдо қилади ва айрим аъзоларда ҳаракатсизлик иллатини келтириб чиқариши мумкин. Шунингдек, мушакларни оғрилатади, қалтираш пайдо қилади. Бундай ҳолатларда долчин истеъмол қилинса, зиёни кетказади.

Нордон олманинг яна бир жиҳати, ички қотирини, қайт қилиш ва ташналикка таскин беради. Сафроси бор ошқозонга фойдали ва ёқимли бўлади. Хамир билан пишириб истеъмол қилинса, қон суюлиши ва оқшини тўхтатиб, заҳарланган аъзоларни тузатади.

Қимизак (ширин-нордон) олма истеъмол қилинса, баданда сара моддалар пайдо қилади, ташналикни қондиради, сафровий қайтни, ичкетишни тўхтатади. Бошқа жиҳатларда нордон олманинг хусусият ва шифоликлари билан ўхшашдир.

Олманинг қайси навидан ейилса ҳам, ошқозондаги иссиқмижозли моддаларга теғса, уларни даф қилади.

Ғураси баданда хом хилт пайдо қилади, иситма чиқариши ҳам мумкин. Олмани эзиб шишларга боғланса, фойда беради.

Нордон олманинг қуюлтирилган суви сафрони камайтиради ва юкори қон босимини пасайтиради. Лекин ўпкага зарари бор. Даволи истеъмол асосларга зиёнбдор. Шарбати ва мураббосининг фойдаси ўзига ўхшашдир, фақат озроқ иссиқлиги бор ва савдоий востосга ширинидан кўра фойдалироқ. Этилган ол-



манинг усораси (баргининг суви ва меваси қуёшда қуюлтирилгани) шифобахшдир. Малҳамининг бир кунлик истеъмол миқдори 25 граммдан 35 граммгача. Агар чаён ва бошқа газандалар захрига суртилса, даво бўлади.

Олмагулини хоҳ заъфарон билан, хоҳ тоғ савсани ёки жавдар билан истеъмол қилинса, бадандаги сассиқ ахлатни йўқотади.

Хуллас, иссиқ мижозли одамлар олманинг нордон ва қимизак турини, совуқ мижозлилар эса ширинини истеъмол қилганлари маъқул. Бемаза олмани тановул қилиш эса ҳеч кимга тавсия этилмайди.

**Шарбатини** қуюлгунча қайнатиб ичилса, ҳамма жиҳатдан қувватлироқ бўлади, айниқса, юракка хуш ёқади. Савдойиллик ва восвосни йўқотади, вабога шифо бўлади ва бадан иссиқлигини пасайтиради.

**Мураббосида** ҳам шарбатига ўхшаш шифо хислатлари бор. Мураббо учун олманинг қаттиқроқ, ширин нави танланади. Чунки олманинг юмшоқ навлари кўп шакар талаб қилади (1 кг олмага 1,3 кг шакар). Пусти арчилиб, ўзақ ва уруғлардан тозаланган олмалар 2 см

қалинликда тўғралади.

Тўғралган олмалар қораймаслиги учун 6 дақиқа иссиқ сувга солиб қўйилиши керак, сўнгра совуқ сувда совитилиб, устидан қиём қўйилади (олма солинган иссиқ сувдан қиём тайёрлашда фойдаланиш мумкин) ва 3-4 соат олиб қўйилади. Мураббо суст оловда 5-7 дақиқа қайнатилади. 6-8 соат тиндирилиб, яна бир неча дақиқа қайнатилади. Олмалар тиник, ялтироқ тусга киргунча 3-4 марта қайнатиш такрорланади.

Агар олма бўлақларининг айримлари пишиб қолса, уларни қошиқда териб олиб, банкага солиш керак, қолганларини эса тайёр бўлгунча қайнатилади. Мураббо шакарланиб қолмаслиги учун пишиш олдидан озроқ лимон кислотаси қўйилади (1 кг олмага 3 г лимон кислотаси).

1 кг олма учун 1 кг шакар, 1-1,5 стакан сув солиш керак бўлади.

**Олма гулининг мураббосини** олмали гулқанд дейилади.

Олма гулқанди юракнинг заифлиги, мия ва эркаклик қувватига даво бўлади. Олма гулқандининг бир кунлик истеъмол миқдори бир кунда 30 граммгача.

**Олма қоқиси** янчиблиб, анор суви билан истеъмол қилинса, меъдага қувват беради. Сафровий ич кетишга ва қайт қилишга шифо бўлади. Аммо меъеридан кўпи кўрка қафаси ичидига аъзоларга зарарлидир. Ўпка шишини ва томирларда хилма-хил тугунлар пайдо қилади.

Олmani қуритиш учун сифатлиси, тўкилгани ва чиқит қилингани ҳам олинади. Бунинг учун улар яхшилаб ювилади, қуритилади, уруғлардан тозаланса, сўнг 0,5-1 см қалинликда паррак ёки тилимлаб кесилади. Оқ рангини сақлаш учун улар 2-3 дақиқа номақога (1 л сувга 2 г туз) солиб қўйилади. Меваларни очик ҳаводаги офтобда 3-4 кун, шунингдек, томда, хонада ва бошқа жойларда ҳам қуритиш мумкин. Қуритишни охиригача етказиш учун олма 65-85°C иссиқликда 5-6 соат духовкага қўйилади.

**СОБУРБЕК тайёрлади.**

## Ғалати таомномалар

XIX асрда Америкада яшаб ўтган Уильям Баклэнд исмли машҳур сайёҳнинг эсдаликлариди ғалати таомномаларни учратиб мумкин. Эсдаликларда ёзилишича, янги ва ноёб овқатларни еб қўришни жонидан ортиқ яхши кўрган бу жаноб, айнан қандайдир "бошқачароқ ва антиқа" таом топиш илинжида сайёҳлик билан шугулланган экан. Дунёнинг турли бурчакларини кезиб юрган Уильям тимсоқ, бегемот, айиқ ва хатто фил гўштини ҳам еб кўрган. Уильям Баклэнд америкалик тарихчиларнинг "ҳаракатланадиган ҳамма нарсани иккиланмай паққос туширувчи одам" деган таърифга ҳам "мушарраф" бўлган.



Италиялик балиқчи Ренато Арғанзо эса бутунлай бошқа қисматга дуч келган. У 1994 йили, табиат инжиқлиги туфайли ўз қайиқчасида бир неча кун очик денгизда қолиб кетган. Узоқ муддат мобайнида егулик учун балиқ тугулмаган ва очлик балосига чидалмаган жаноб Арғанзо, охир-оқибат, эғнидаги қийимларини ея бошлаган экан. Ниҳоят, омади келиб, уни қутқарувчилар топиб олишди. Бу вақтда эса бечора балиқчининг фақат қалпоғина бутун қолган экан.

Умуман олганда, денгизчилар қадимдан иродали халқ саналиб келган. Урта асрларда саёхатга отланган испан ва португал денгизчилари ноилжликдан каламушларни ейишга мажбур бўлишгани ҳақида эски миш-мишлар ҳам "яшаб" келади. Аммо афсоналарда ҳақиқатнинг синиқ парчалари буй кўрсатади, деганларидек, Ер шарини илк мартабада айланиб чиққан машҳур португал денгизчиси Магелланинг (1480-1521) кемасида экипаж аъзоларига қанчадан каламуш бериш лозимлиги қайд этилган ҳужжат сақланиб қолган.

Начора, инсоннинг баъзан ўта қизиқувчанлиги боис, баъзан эса яшаш учун кураш қонунига бўйсиниб, муайян маданий чегараларни бузишига ҳам тўғри келаркан.

**Нарғиза СИДДИҚОВА тайёрлади.**



маълумотининг ҳам фарқи йўқ.

— Андижонликман. Исмим Шоира. **Ёшим 29 да.** Маълумотим ўрта-махсус. Етти ёшли қизим бор. Кўшни маҳаллага келин бўлгандим. Турмуш ўртоғим Рустам билан дастлаб аҳил-иноқ яшадик. Қайнсинглим тоғамнинг ўғлига турмушга чиққанди. Эри билан келишолмай, оиласи бузилди. Шундан сўнг қайнонам мени ёмон кўриб қолди. Йўқ жойдан жанжал чиқариб, тухмат қилишгача бориб етди. Онам вафот этгани учун тишимни тишимга босиб чидадим. Маҳалла фаоллари ҳам қайнонамга гап уқитролмади. "Қариндошинг қизимни ҳайдадимми, сени ҳам яшашга қўймайман", деб сўзидеда туриб олди. Охири отамни-кига қайтиб кетдим.

— **Эрингиз ажрашишга рози бўлавердимми?**  
— Икки йилча йўлини топаман, деб боши қотиб юрди. Охири, онаси измига солиб олди, шекилли... қонуний ажрашишга қарор қилди. Қизимизга алимент тўлаяпти. Шунга ҳам олти йил бўлди.

— **Қаерлик одамга турмушга чиқмоқчисиз?**

— Қаерданлиги аҳамиятсиз, 40 ёшгача бўлган, қизимга ота-

лик меҳрини берса, зарарли одатлардан холи, оқ кўнги, уйим-жойим дейдиган, иши тани киши билан мустаҳкам оила қурмоқчиман.

— Тошкент вилоятида яшайман. Исмим Наташа. Миллатим рус. **Ёшим 57 да.** Маълумотим ўрта-махсус. Икки ўғлим бор. Иккиси ҳам оиласи билан Петербургда яшайди. Эрим Рафик билан севишиб турмуш қургандик. У жуда олижаноб эди. Тақдиримда бор экан, бедаво дардга чалинди. Бормаган жойимиз, кўрсатмаган дўхтиримиз қолмади. Отасини охириги манзилга кузатиш учун келган ўғилларим мени ўзлари билан олиб кетишмоқчи бўлишди.

— **Кетишни хоҳламадингизми?**

— Ахир, мен шу юртда туғилиб ўсганман. Барча хотираларим, қувончу ташвишларим янгийўлликлар билан боғлиқ. Яқин дугонамга ёлғизлик ёмон экан деб дардимни тўкиб солгандим. "Оила ва жамият" таъририятига мурожаат қилишимни маслаҳат берди. Энди умидим сизлардан, ёрдам беринглр.

— **Рус миллатидан бўлган эркакка турмушга чиқмоқчисизми?**

— Йўқ. Қайси миллатдан

бўлса ҳам, қадримга етадиган, фарзандлари ташвишидан қутулиб, 62 ёшгача бўлган дунёқараш кенг инсон бўлсин. Уй-жойим етарли. Мен билан тақдирини боғлайдиган киши Янгийўлда яшашини истардим.

— **Асли наманганликман. Исмим Камола. Ёшим 31 да.** Маълумотим олий. Унг оёғим туғма калтароқ бўлгани сабаб оқсоқланиб юраман. Оилада кенжа фарзандман. Онаизорим доим супрақоқдим, деб эркалаб, еру қўкка ишонмасди. Мактабга боргунимга қадар кўчада болалар масҳараласа, онамнинг икки дунёси қоронғу бўлиб кетарди. Биринчи синфга борганимда ўқиш, ёзишни билардим. Онам ўргатганди. 1-синфдан 10-синфгача фақат аъло баҳога ўқидим. Синфдошларим менга жуда меҳ-

рибон эди. Онамнинг бундан қувончи ичига сиймай, улардан миннатдор бўлиб, мактаб юрарди. Мактабни тугатиб, тиббиёт институтига ўқишга кирдим. Онамга институтни имтиёзли дипломга тугатганимни кўриш насиб этмади. Умри қисқа экан. Тиббиёт коллежидеда узок йиллар дарс бердим. Тенгдош дугоналарим оилали, бола-чақали бўлишди. Ўйлаб-ўйлаб, тақдир ўзим-никига ўхшаш йигитни топишда ёрдам сўраб таъририятга бордим. Мени илиқ қутиб олишди. Илҳом исми 34 ёшли тошкентлик йигитнинг телефон рақамини беришди. Учрашдик. Чап қўли тирсагидан йўқ экан. Илҳом меҳнат қилдиган заводда фалокат юз бериб, шу ахволга тушибди. Отанаси уйимизга совчиликка келди. Отамга, акаларимга маъқул бўлиб, тўй қилдик. Қайнота-қайнонам бамаъни инсонлар экан. Турмуш ўртоғим оқ кўнги, тўғри сўз, меҳнаткаш инсон. Мен ниҳоятда бахтлиман. Сизлардан бир умр миннатдорман.

**КАМОЛА, Наманган вилояти.**

## ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумот-нома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган-лар бўлса, суд қарорининг нусхасини топиришлари талаб этилади.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

Мухбирлар хонасига икки аёл кириб келди. Улар ўзларини опа-сингил деб таништиришди. Ёши каттароғи сўз бошлади.

— Тошкентликмиз, жияним учун келдик. Исмим Одил, **ёшим 33 да.** Маълумоти олий. Уйланмаган. Нуфузли ташкилотда хизмат қилади. Синглимнинг эри вафот этгач, рўзгор ташвиши шу биттагина ўғлига тушиб қолди.

— **Нима, бошқа фарзандларингиз йўқми?** — юзландим тортинибгина ўтирган иккинчи аёлга.

— Икки қизим ҳам бор. Отасидан айрилган пайтимиз каттасини узатгандик. Худо хоҳласа, кичкинасининг ҳам яқинда тўйи бўлади, унаштириб қўйганимиз. Ўғлим опа-синглисига меҳрибон, меҳнаткаш йигит. Суянган тоғим...

— **Бошқа бирор жиддий сабаби йўқми?**

— Йўқ. Яқинда опаси ишхона-сидан бир қизни топганди. Ура-шишди. Маъқул бўлганди. Биз хов-лида яшаймиз. Қиз қўпқаватли уйда тураркан. Ҳовлининг ўзига яраша ташвишлари, меҳнати кўп бўлади, деб онаси рози бўлмабди. Шу сабаб ўғлим ховлида яшайдиган қизга уйланмоқчи.

— **Бўлажак келин қаерлик ва неча ёшларда бўлсин?**

— Албатта, Тошкент шаҳридан бўлсин. 24-26 ёшгача, олий маълумотли қиз учраса, айна муддао. Ўқишни тугатган бўлса, янада яхши. Урта бўйли, хушбичим, истарали, очик кўнги, меҳрибон... қисқаси, кўнглимиздагидек қиз учраса,

# Энг бебаҳо бойлик

Асрлар ўрқачидаги замонлар силсиласида занжирдай тизилиб, шажарасининг бир тармоғи менга туташган аждодларимдан мерос, тарихнинг ҳар қандай тўфонларидан омон чиқадиган бебаҳо бойлик — Ватанга чексиз муҳаббат ва жисму қалб эркинлигига садоқат!

"Буларнинг қайсиси бирламчи ва муҳим?" деган савол мантқиқсиздай. Зеро, чақалоқ киндик қони тўкилган тупроққа томир-томирлари билан боғланаркан, бу ёруғ оламда энг улуғ шараф — озод Инсон бўлиб яшаш туйғуси қонига, руҳиятига қоришиб кетса керак...

Наздимда, Ватан билан Эркиннинг томирлари туташ, ҳазрат Навоий таъкидлаб турибдилар:

**Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбугла тикандек ошён бўлмас эмиш.**

Бахтли бўлиб яшамок — ҳамманинг орзуси. Аммо қанчалар нисбий бу тушунча. Кимга шону шуҳрат, кимга молу давлат, яна бировга севгида бахтиёрлик... йўқ! Булар — ўткинчи ва омонат.

Меҳри, меҳнати, ақлу заковатининг нури-зиёси дунё тамаддунини ёритган, кафти ва қалбининг тафти ҳар зарра тупроғига синган, донолиги боқий қадриятларда қабариб, ҳаёт-



емирилиб тўкилганига 20 йил бўлди (юғурик вақтнинг бир киприк қоқишича келармикан бу фурсат?!).

Аммо бу қисқа муддат ичида Ватан ва халқимиз тақдирида юз берган юксалишлар Мустақиллик қудрати, шарафига қўйилган муҳташам ёдгорликлар каби қалбларимизни ифтихорга тўлдириб, дунё ахлининг ҳаваси, муҳаббатини кун сайин оширмоқда.

Умримиз имон нури билан ёришсин, Ватанни севиши ва уни озод, обод қиёфада авлодларга қолдириш саодатини Аллоҳ таоло барчамизга насиб этсин!

**Мухтарам УЛУФОВА,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган маданият ходими.**

# Она бўлган билади...

Оналик бахтига муяссар бўлибманки, дунё кўзимга янада гўзал кўринади. Тўғрироғи, бу қадар ранго-ранг кўринмаганида ҳаёт ўша кунгача. Хали кўчалари очилмаган жажжигина фарзандимни илк бор қўлимга олар эканман, вужуд-вужудимга қўйилиб келаётган меҳрга ўралган илк оналик туйғулари худди тўғонини бузмокчи бўлган тўфон мисол тошарди. Табиийки, бу туйғуларни жиловлай олишга ожизлик қиларди менинг иродам ва лабларимда бахтиёрлик ўзининг бетакрор "ракси"ни ижро этарди, биринчи марта. Миттигина зурриёдимни ҳар томондан маҳкам тутиб бағримга босаман. Худди бутун Ер курраси менинг қўлимда тургандек авайлашга уринаман.

Фарзанд кўрган келин аввалгидан ҳам чаққон бўлиб қолади, дейишса ишонмас эдим. Ахир, ёш бола билан ҳам чаққон бўлиш мумкин эканими, қайтага, қўл-оёғи баттар бойланади-ку, дердим. Бу гапнинг бекорга ўйлаб топилмаганига бугун икром бўлиб турибман. Гоҳида инжиқлиғи, баъзида эса шамоллаб қолгани туфайли туни билан яхши ухламаган бўлсам-да, нурийдимнинг кўзи уйкуга илиниши билан чарчоқларимни унутиб, у уйгонгунча

юмушларини тез-тез битказиб қўйишга шошиламан. Бироздан сўнг унинг йиғиси эшитиларкан, тўғрироғи, юрагимдаги иписиз боғланган кўнгирикни тинимсиз тортқиларкан, энг зарур юмушларни ҳам келган жойида тўхтатиб, миттивойим хузурга ошиқаман, йиғлаш унга зарар келтирадигандек. Ёнига етгунимча, юрагим бўғзимга келиб қолгандай нафас олишга ҳалақит беради.

Илгарилари унча-мунча нарсалардан қўрқмайдиган ботир ҳисоблаб юрган эканман ўзимни. Ер силкиниши билан онажоним атай туман марказига келиб, ётоқхона бошлиғимизнинг телефони орқали ҳол-аҳвол сўрасалар, (у вақтлари "соткалар жуда камёб эди-да) баъзида жаҳлим чикарди:

— Қизим, кўрқмадингми?  
— Вой онажон-ей, жуда ваҳимачисиз-да, шунча жойдан овоза бўлиб келиш шартмиди?  
— Ҳа, энди хавотир оламан-да, қизим. Ҳали она бўлсанг, биласан, — дея дуо қилиб кўярди у киши...

Айтсам кулманг-у, ҳозир кўчамизнинг юзидан пўлат изларини босиб ўтадиган трамвай зарбаси ҳам ер силкинишини эслатади менга. Нималигини англаб-анг-

ламай, кўзим билан болаларимни излашга тушаман, тилим эса калимага келади. Яна ҳар эҳтимолга қарши зилзиладан омон қолиш йўлларини ҳам ўйлаб бошлайман. Ўзимга келгач, онажонимнинг гаплари кулогим остида жаранглай бошлайди: "Бир куни она бўлсанг, биласан, болам..."

Фарзанд меҳриёиси шунчалар кучлики, у ҳақда дам-бадам ўйламасликнинг, қайгурмасликнинг иложи йўқ. Усиз тановул қилаётган тансиқ таоминг ҳам ўз мазасини йўқотади. Унга илинган бўлагинг томогиндан қийинроқ ўтади ҳатто.

Фарзанд оила барқарорлигида шунчалик кучли воситаки, бир-бирига кўнгилисиз ва ҳатто дунёқарашни бутунлай тескари эр-хотинлар ҳам у туфайли бир-бирларига меҳр кўя бошлайдилар, кошоналарида умрбод яшаб қолишга қарор қилдилар. Ҳеч бўлмаган-да, "Болам учун яшайман", деган метин иродани ўзларига дастак қилиб оладилар.

Низоларга осонликча нуқта кўювчи, мурсога чақирувчи, яраштирувчи, ҳатто яраштирувчи ҳам, шубҳасиз, ана шу фарзанди аржумандларимиздир!

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА**

## ИФТИХОР

га теран маъно, кўрку файз, барака бағишлаган боболар, момоларга издошлик, улардан қолган моддий ва маънавий хазиналарнинг ҳақиқий вориси бўлмоқ, ёқиб кетган чироқлари янада ёрқинроқ чарақлаши учун умрни бир тола нурга айлантириб яшамок — Бахт!

Ёши улуғлар истибодда кечган энг яқин тарихимиз хотираларини эсларкан, мисоли қалбларидан қора тоғ кулагандек бўлади.

Халқимиз елкасидан, қалбидан эрксизлик, истибоддод кишанлари



## Истомин —

### бош соврин соҳиби

Қарши шаҳрида теннис бўйича эр-қаклар ўртасида ўтказилган "Challenger" туркумидаги халқаро теннис турнири ўзбекистонлик Денис Истомин ғалабаси билан якунланди.



Яккалик беллашуварларида иккинчи рақамда сараланган тажрибали спортчимиз ҳал қилувчи финал беллашувида словениялик Блаз Качич устидан 6:3, 1:6, 6:1 ҳисобида зафар кучди.

Халқаро турнирнинг жуфтлик беллашуварларида россиялик Михаил Елгин ва Александр Кудрявцев дуэти ғолиб чиқди.

## Меньков Лондонга боради

Венгриянинг Сегед шаҳрида байдарка ва каноэда эшак бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатида икки қарра жаҳон чемпиони Вадим Меньков каноэда 1000 метрга ашқак эшиш беллашуварларида маррага учинчи бўлиб етиб келди.

Жаҳон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланган моҳир спортчимиз келаси йили Лондонда бўладиган XXX Олимпий ўйинларида қатнашиш учун йўлланмани ҳам қўлга киритди.

## Дербида «Бунёдкор» ғолиб

Тошкентнинг «Жар» стадионида бўлиб ўтган футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг навбатдаги турида «Бунёдкор» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтган дербида «қалдирғочлар»нинг қўли балинд келди.

70-дақиқагача томонлар дуранг ўйнаган бўлса, «Бунёдкор» футболчилари икки дақиқа ичида иккита гол уришди.

Иккинчи бўлимнинг сўнги дақиқаларида эса «Пахтакор» футболчиси Алишер Азизов орадаги фарқни қисқартирди.

Шу тариқа, 17 август куни кубок билан хайрлашган «Бунёдкор», орадан 4 кун ўтиб, чемпионлик учун дадил қадам ташлади. «Насаф»да эса иккинчи ўринни ағаллаш учун имконият пайдо бўлди.

**Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.**

# ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН МОЛ-МУЛК:

## васият қилиб қолдириш мумкинми?

Кишлоғимиз туман марказидан анча олисда жойлашган. Табиийки, нотариат хизматдан фойдаланишимиз ҳам бироз мушкул. Васиятномани кишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва фаоллари тасдиқлаб берса, ҳақиқий хисобланадими?

**М. Чориев,  
Сурхондарё вилояти.**

— Фуқаролик кодексининг 1126-моддаси "Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар" деб номланади. Унга кўра, нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалари ҳақиқий хисобланади.

Яшаб турган ҳовлимизни зарурият юзасидан вақтинча гаровга қўйишга мажбур бўлаяпман. Аммо уй-жойни кенжамга васият қилиб қолдирмоқчи эдим. Гаровга олувчи эса ўзаро келишувимизда бунга розилик бермаяпти. Шу тўғрими?

**Н. Шоумаров,  
Тошкент шаҳри.**

— Фуқаролик кодексининг 277-моддасига биноан гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкни васият қилиб қолдириш ҳуқуқини қелқайдиган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топиллади.


**Саволга Шайхонтоҳур тумани  
5-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси  
Адиба ҲИДОЯТОВА жавоб берди.**

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

**Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20  
Котибият: 237-21-82  
Муҳрирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

**ОБУНА ИНДЕКСИ — 176**  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 828. Формати А—3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7947. Баҳоси келишилган нарҳда.  
Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ  
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ  
Мусахҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Мафтуна МИНГБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5